

БМА тингловчиси Турсунова Н.Н.

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРС БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ЭМИССИОН СИЁСАТ РОЛИНИ ОШИРИШ

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикаси банк секторининг жалб қилинган ўзлик ва қарз маблағлари ҳисобига унинг кредит бериш ва инвестиция киритиш салоҳияти шакллантирилади. Шунинг учун, қимматли қоғозлар ёрдамида банк капитализация даражасини ошириш, очиқ бозордан портфель инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу ҳолда банк эмиссия сиёсати унга маблағ жалб қилиш жараёнининг акселератори ролини ўташи мумкин.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, устав капитали, капитализация даражасини ошириш, акциялар, облигациялар, эмиссия сиёсати, банк эмиссион фаолияти.

### **Кириш.**

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг тобора чуқурлашуви шароитида тижорат банклари ресурсларини шакллантириш, жойлаштириш ва уларни сифатини ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам кўпаймоқда. Тижорат банклари ресурсларини сифатини ошириш уларнинг ликвидлилигини таъминлаш ва миллий валюта барқарорлигини оширишда, мамлакатда экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар ва хизматлар ҳажмини кўпайтиришда, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йиллари республикамизда икки поғонали мукамал банк тизими шаклланди ва ривожланмоқда, банкларнинг хизмат турлари ҳамда сифатида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва такомиллашиб бормоқда. Бироқ мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида банкларнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларнинг сифатини ошириш билан боғлиқ айрим масалалар долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари мавқеининг пастлиги банклар жами активларида қимматли қоғозлар салмоғининг кичиклиги ҳамда ялпи даромади-таркибида қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлари салмоғининг жуда пастлигида яққол намоён бўлмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асоснинг такомиллашмаганлиги, қимматли қоғозлар бозорида рисклилиқ даражасининг юқорилиги, капитализация даражасининг кичиклиги, қимматли қоғозлар ликвидлик даражасининг пастлиги; муддатли ҚҚБнинг йўқлиги, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг етарли даражада ҳимоя

қилинмаганлиги ва ҳ.к.лар билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаган бўлиб, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган. Шу билан бирга, банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш, капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантириш муҳим вазифани ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси банк секторининг жалб қилинган ўзлик ва қарз маблағлари ҳисобига унинг кредит бериш ва инвестиция киритиш салоҳияти шакллантирилади. Шунинг учун ҳам давлат дастурида мустаҳкам молиявий институтлар ҳисобланган банкларга облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат бериш белгиланган. Ҳозирда қимматли қоғозлар ёрдамида банк капитализация даражасини ошириш, очик бозордан портфель инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу ҳолда банк эмиссия сиёсати унга маблағ жалб қилиш жараёнининг акселератори ролини ўташи мумкин. Ушбу масалани ҳал қилиш учун тижорат банкларининг фонд бозоридаги эмиссион фаолияти ҳолати тадқиқ қилиниши ва такомиллаштириш йўналишлари аниқланмоғи зарур бўлиб, илғор хорижий тажриба асосида тижорат банклари эмиссия сиёсати ва амалиётни такомиллаштириш долзарб илмий ва амалий аҳамиятдаги масалани ташкил қилмоқда.

### **Асосий қисм.**

Миллий фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган муҳим чоратadbирларнинг амалга оширилиши сабабли республика корпоратив корхоналари мустаҳкам оёққа турдилар ва ўз капитализация даражасини йилдан-йилга ошириб бормоқдалар. Ушбу ҳолат ўртача бир акциядорлик жамиятига тўғри келадиган жами устав капитали кўрсаткичини олиб қараганимизда янада яққол кўринади.

Шу билан бирга, республика корхоналари, хусусан, акциядорлик жамиятларида капитализация суръатларини етарли деб ҳисоблаб бўлмади ва бунинг оқибатида уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган модернизация дастурларини молиялаштириш манбаси заифлигича қолаётганини тан олиш керак. Аслида қимматли қоғозлар иқтисодий муҳитнинг

беқарорлиги ва бозор конъюнктурасининг ўзгарувчанлиги шароитида банклар эҳтиёжларини узоқ ва қисқа муддатли молиялаштиришнинг қулай шаклларида биридир. Қимматли қоғозларнинг ривожланган айланмасисиз самарали инвестиция бозорини ҳосил қилиб бўлмайди.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Инвесторлар – бўш пул маблағларига эга бўлган ва уларни сақлаш ҳамда кўпайтиришни истовчи юридик ва жисмоний шахслар, яъни капитал етказиб берувчилар.

2) Эмитентлар – янги ишлаб-чиқаришни бошлаш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб турган қувватларини замонавийлаштириш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш учун зарур бошланғич ёки қўшимча капиталга муҳтож бўлган ҳамда керакли маблағни жалб этиш мақсадида қимматли қоғозларни муомалага чиқарган бозор субъектлари – капитал истеъмолчилари.

Амалдаги қонунчиликка биноан **қимматли қоғозлар**–ҳужжатлар бўлиб, улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди.

Қарз қимматли қоғозлар ичида миллий иқтисодиёт учун энг аҳамиятлиси корпоратив облигациялар бўлиб, уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:



### **1-расм. Корпоратив облигацияларнинг турлари (Муаллиф)**

Кредит шакли банкнинг катта маблағ талаб қилувчи лойиҳаларини молиялаштиришнинг кенг тарқалган усулларида биридир. Шу билан бирга, унинг қатор ноқулайликлари бор. Аксинча, қарз қимматли қоғозлар молиялаштириш воситаси сифатида қатор ижобий хусусиятларга эга. Масалан,

корпоратив облигациялар (Алехин, 1992):

- корпоратив облигациялар узоқ муддатга капитал жалб қилишни таъминлайди;
- корпорациялар чиқарадиган портфель (тўплам) бир жинсли эмас;
- корпоратив облигацияларнинг бозорда айланиши жараёнида асосий эътибор уларнинг сифати ва ишончилиги масалаларига қаратилади;
- корпоратив облигациялар учун бошқа қимматли қоғозлардан фарқли ўлароқ барқарорлик сифати ҳосилдир;
- корпоратив облигациялар эгаларининг катта улушини майда инвесторлар ва аҳоли ташкил қилади.


Бунда самарали инвестицион-молиявий инфратузилманинг, хусусан фонд бозори инфратузилмасининг яратилиши эмитентлар ва инвесторларнинг мувофиқ эҳтиёжларини қондирилишини таъминлар экан (Хамидулин, 2008).

Қимматли қоғозлар бозори - бозор иқтисодиётида рўй берадиган стихияли жараёнларни тартибга солиб туради. Бу авваламбор капитални сармоялаш жараёнига таалуклидир. Капитал миграцияси, яъни унинг оқими, иқтисодиётнинг паст даромадли ёки ортиқча капитал мавжуд тармоғидан капитал қўйилмалар юқори даромад келтирувчи соҳалари томонга қараб кўчади (Миркин ва б., 2004). Тижорат банклари ресурслари ёки “Банк ресурслари” банкнинг ихтиёрида бўлган ўз ва жалб қилинган ресурслари йиғиндиси бўлиб, унинг актив оперцияларини амалга оширишда ишлатилади деб таърифланган (Лаврушин, 2016). Демак эмиссион фаолият, яъни пасив операциялар билан актив операцияларга замин яратилади.

Тижорат банклари пасивларини шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслардан маблағни депозитга олиш амалиётини қисқартириб, пасивлар тузилмасида турли қарз қимматли қоғозлар салмоғини ошириш ва банкларнинг миллий қарз қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссион фаолиятини кенгайтириш орқали тижорат банклари ресурс базасини оширишда сифатли ўзгаришга эришиш мумкинлигини фарз қилиш мумкин. Бунда параллел равишда банк акциялари ҳам жойлаштириб борилиши ва капитализация даражаси мувофиқ равишда ошириб борилиши лозим бўлади. Тижорат банкларининг ўз пасивларини секьюритизация қилиш даражасининг ортиб бориши потенциал инвесторлар учун нисбатан қулайроқ инвестицион воситалар таклиф қилинишига ҳамда миллий фонд бозорида сезиларли ўзгаришларга олиб келишини фарз қилиш мумкин. Қуйроқда «Равнақ-банк» ХАТБ мисолида айнан қандай чора-тадбирлар мувофиқ бўлиши муҳокама қилинади.

«Равнақ-банк» ХАТБ асосий молиявий кўрсаткичлари барқарор ўсувчи динамикани намоён қилмоқда (2-расм). Бунда ЎР Марказий банкдан олинадиган маблағлар салмоғи асосан ошмаётганлиги банк активлари умумий

самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир қилишини кутиш мумкин. Банк пасивлари тузилмасида ўзлик маблағлари салмоғи қониқарли даражада бўлиши унинг эмиссия сиёсатида қарз қимматли қоғозларнинг катта ҳажмда чиқарилишига катта имкониятлар яратади (3-расм). Бироқ, «Равнақ-банк» ХАТБ корпоратив облигациялар чиқариш амалиётини қўлламаяпти.




2-расм. «Равнақ-банк» ХАТБ асосий молиявий кўрсаткичлари динамикаси, минг сўм. («Равнақ-банк» ХАТБ ҳисоботлари)



3-расм. «Равнақ-банк» ХАТБ пасивлари тузилмаси динамикаси, фоизда. («Равнақ-банк» ХАТБ ҳисоботлари)

Банкда узоқ давр мобайнида инвестицион фаолиятга кам аҳамият берилган. Айниқса қимматли қоғозлар бозорининг инструментларига умуман мурожаат қилмаган (4-расм). Банк мажбуриятлари асосан талаб олгунга қадар депозитлар

ва муддатли депозитлар, яъни муддат бўйича узоқ муддатли инвестиция фаолиятини юритишга имконият бермайдиган ресурслар ҳисобига шакллантирилган. Шунинг учун, банк активларининг 75 фоизини кредитлар ва лизинг операциялари ташкил қилмоқда. Узоқ муддатли даромадли активларга эга бўлиши учун банк узоқ муддатли жалб қилинган маблағларга эга бўлиши керак. Демак, банкнинг жорий ҳолатини



4-расм. «Равнақ-банк» ХАТБ активлари тузилмаси динамикаси, фоизда.  
(«Равнақ-банк» ХАТБ ҳисоботлари)

янада барқарорлаштириш учун очик бозорга оддий ва имтиёзли акциялар ҳамда облигациялар жойлаштириши лозим бўлади.

#### Хулоса ва таклифлар.

«Равнақ-банк» ХАТБ каби тижорат банклари ресурс базасини кенгайтиришда эмиссион сиёсат ролини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Банкнинг эмиссион сиёсати ва амалиётини ягона концепция асосида олиб борилишини таъминлаш учун ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг эмиссион сиёсатини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

2. Узоқ муддатли жалб қилинган ўзлик маблағга эга бўлиш учун банк устав фондининг 20 фоизига қадар ҳажмда имтиёзли акцияларни чиқариш ва жойлаштириш.

3. «Равнақ-банк» ХАТБ капитализация даражасини ошириш суръатларини кўтариш ва оддий акцияларнинг фонд бозоридаги инвестицион жозибадорлигини ошириш учун банк дивиденд сиёсатини эмиссион сиёсат

манфаатларини ҳисобга олиб қайта ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алехин Б.И. Рынок ценных бумаг: введение в фондовые операции. — Самара: «СамВен», 1992.
2. Банковское дело : учебник / О.И. Лаврушин под ред., Н.И. Валенцева и др. — Москва : КноРус, 2016. — 800 с.
3. Миркин Я.М., Лосев С.В., Рубцов Б.Б., Добашина И.В., Воробьева З.А. Руководство по организации эмиссии и обращения корпоративных облигаций. – М: «Альпина Паблицер», 2004. – с.12.
4. Хамидулин М. Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления.: монография- Т.:Молия, 2008. 204 с.
5. Савицкий В.В. Формирование основных положений эмиссионной политики компании // Журнал «Экономика и финансы», 2004 г., № 18 (август) (0,4 пл.).
6. Амосов Степан Корпоративные облигации: как организовать эмиссионный синдикат? / Журнал «Рынок Ценных Бумаг», № 12, 2002.
7. Карасюк Е., Шура П., Савина Ю. Первичное размещение акций. Путеводитель по рынку профессиональных услуг/ М.: Альпина Паблицер, 2003.
8. Шмелев Михаил Выход на рынок корпоративных облигаций: возможные проблемы/ Журнал «Финансовый директор», № 6 июнь 2004.
9. «Равнақ-банк» ХАТБ молиявий ҳисоботлари.
10. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
11. [www.ravnaqbank.uz](http://www.ravnaqbank.uz).